ЎЗБЕК МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Одил Юнусов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Зарнигор Жондорова
ЧДПИ Мусиқа таълими йўналиши 2-курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада фольклор сўзининг маъноси, келиб чиқиш тарихи хусусида суз боради. Фольклор чолғу куйларидан ташқари ўз ичига оғзаки анъанадаги халқ қўшиқларини хам ўз ичига олиши хақида маълумотларга ега бўласизлар.

Калит сўзлар: фолкьлор , мусиқа, ижод, жанр.

CHARACTERISTICS OF UZBEK MUSIC FOLKLORE

Odil Yunusov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

Zarnigor Jondorova
The 2nd year student of CSPI, Music Education

ABSTRACT

This article discusses the meaning of the word folklore, the history of its origin. In addition to folk instruments, you will learn about folk songs in the oral tradition.

Keywords: folklore, music, creativity, genre

КИРИШ

Ўзбек халқининг ўз илдизлари билан қадим-қадим замонларга бориб тақаладиган мусиқа мероси хилма-хил жанрлари ҳамда бой тасвирий воситалари билан бизнинг кунларимизда ҳам янграмоқда. У ўзида халқ ижоди (яъни асл фольклор) ҳамда куй тузилиши жиҳатдан ривожланган ашула ва чолғу асарлар (жумладан циклли мақом ва бошқа жанрлар)ни ўз ичига олган оғзаки анъанадаги профессионал мусиқани бирлаштиради.

«Фольклор» - атамаси инглиз тили лексикасига мансуб бўлиб, у икки сўз, яъни фольк (folk) - халқ ва лоре (lore) - донолик сўзларининг бирикмасидан ташкил топган ва у «халқ донишмандлиги» деган маънони билдиради. У

биринчи марта 1846 йилда Вильям Томс томонидан ишлатилган ва шундан бошлаб истеъмолга киритилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фольклор - халқ ижодиётининг барча соҳаларини ўз ичига олади ва шу қатори халқ мусиқаси ҳам айрим ҳолларда «Мусиқа аҳли» деб ҳам юритилади. Халқ қўшиқлари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб тўлдирилади ва сайқал топади. Халқ оғзаки ижодиниг асосий хусусияти шундаки, у кўпчилик томонидан яратилади ва ижро этилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мусиқа ривожланишининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижодиёти-хусусан фольклор қўшиқларининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири илғор ғоявийликдир. Халқ ҳар бир соҳада ўз истакларини тезроқ амалга оширишни орзу қилиб яшайди ва шу орзуларни амалга ошириш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларини турли тарзда ифодалашга интилади. Шу туфайли у фольклорга мурожаат қилади, ўзининг бутун дарду ҳасратини тўкиб солади. Шу тариқа халқ қўшиқлари вужудга келади. Демак, халқ қўшиқларини асосан халқ яратади. Шунинг учун ҳам халқ қўшиқларининг тили-халқнинг жонли сўзлашув тили ҳисобланади ва сўзларнинг турли шеваларда, турли диалектларда талаффуз қилиниши, архаик ифодалардан фойдаланилиши табиий бир ҳолдир.

Халқ қўшиқлари ҳар доим юксак бадиийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Халқ қўшиқлари рамзий образлар, сифатлаш маҳорати, эркалатиш, муболаға ва бошқа анъанавий формулаларнинг кўп ишлатилиши билан характерланади.

Халқ қўшиқлари аноним (грекча номаълум) кишилар томонидан яратилган бўлиб, у оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиш жараёнида оммавий ижрочилик тусини олган.

Халқ оғзаки ижодиёти намунаси сифатида халқ қўшиқлари манбаи қадим-қадимларга дахлдор бўлганлиги учун, улар нота ёзувлари, ҳатто адабий ёзувнинг намуналари мавжуд бўлмаган бир даврлардан бошланган ва улар устоз-шогирд анъаналари асосида бизгача етиб келган. Халқ қўшиқларининг абадий сақланиб қолишида халқ хотираси асосий аҳамият касб этади.

Ҳар бир нарса халқнинг тажрибаси, дидидан ўтгандан кейингина анъанага айланади. Халқ қўшиқларининг аксарият қисми халқ анъаналари билан бевосита боғлиқ ҳолда яратилган. Ҳар бир давр кишилари ўз бадиий завқи, маънавий

эстетик диди ва тафаккури билан бу асрий анъаналарни бойитиб борган ҳамда унга ўз ҳиссасини қўшган.

Халқ ижодкорлиги намуналари сифатида қадимдан айтиб келинган халқ қўшиқлари турли ҳудудларда турлича куйлаб келинган. Бу халқ асарларининг хилма-хил нусхаларда такрорланишига олиб келган, бу кўп вариантлиликка халқ қўшиқлари ривожининг ўзига хос тараққиёт манбаи деб қараш жоиздир. Халқ қўшиқларининг оммавийлиги, анъанавийлиги шу билан изоҳланади.

Ўзбек халқининг ўз илдизлари билан қадим-қадим замонларга бориб тақаладиган мусиқа мероси хилма-хил жанрлари ҳамда бой тасвирий воситалари билан бизнинг кунларимизда ҳам янграмоқда. У ўзида халқ ижоди (яъни асл фольклор) ҳамда куй тузилиши жиҳатдан ривожланган ашула ва чолғу асарлар (жумладан циклли мақом ва бошқа жанрлар)ни ўз ичига олган оғзаки анъанадаги профессионал мусиқани бирлаштиради. Қаҳрамонлик ҳамда қаҳрамонона лирик мазмундаги эпик асарлар — достонлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

НАТИЖАЛАР

Ўзбек мусиқа фольклори ҳар қандай халқ ижоди каби меҳнаткашларнинг фикри, орзу-умидлари, уларнинг турмуши ва ахлоқи, сифатида гавдаланади. Ўзбек халқ мусиқасининг мавзу жиҳатдан серқирралиги, жанрларга бойлиги ва ҳаётда тутган ўрнининг хилма-хиллиги ҳам ана шу билан боғлиқдир . Ўзбек қўшиқ-ашулалари ва чолғу мусиқаси жанрлари халқ турмушида тутган ўрнига мувофиқ икки грухни ташкил этади.

1. Маълум вақт ёки маълум шароитдагина ижро этиладиган қўшиқ-ашулалар ва чолғу куйлар. Булар оилавий-маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари, аллалар ва бошқалар ҳамда ҳар хил тантана, томоша каби маросимларда ижро этиладиган чолғу куйлардир.

2. Исталган вақтда ва ҳар қандай шароитда, яъни ҳамма жойда ижро этиладиган қўшиқ ва чолғу куйлар. Уларга ўзбек халқининг анъанавий мусиқали фольклор жанрлари—терма (ёки чўблама), қўшиқ (тор маънода), лапар, ялла ва ашула, шунингдек, худди уларга ўхшаш типдаги чолғу пьесалар киради. Ҳар бир грух ўзига хос характерли белгиларга эга. Масалан, ижро этилиши маълум вақт ёки шароитни тақозо қиладиган биринчи грух ашула-қўшиқ жанрларининг мавзуи ўзларига хос маълум маросим ёки бошқа вазият билан боғлиқ бўлиб, ундан деярли четлашмаслили билан ажралиб туради. Тўй-маросим қўшиқларининг мавзуи келинни мақташ, эр-хотинлик ҳаётига тааллуқли панд-

насиҳатлар, келиннинг куёв уйига одоб қоидалари, содир бўлаётган маросимнинг кўтаринки ҳақидаги образли поэтик таққослашлар билан чегараланган. Мисол сифатида келтирилган «Ёр-ёр» шакл тузилиши жиҳатдан икки қисмли бўлиб, ҳар бир шеърий мисрани ўзига қамраб олган учта тугалланган куй тузилмасидан иборат. Турлича оҳанглар асосида (муайян метроритмик тартибга солинган тор диапазонли уйларнинг бундай тузилиши «Ёр-ёр»ларнинг аксар локал вариантлари (тошкентча, андижонча, чимкентча ва бошқалар) учун ҳам характерлидир.

Юқорида эслатилганлардан ташқари, тўй маросимининг у ёки бу процесси билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа намуналар («Келин салом», «Тўй муборак» ва шу кабилар) ҳам бор. Уларнинг ҳар бири ўзининг тузилиш тартиби, оҳанг ҳарактери, эмоционал таъсирчанлиги билан фарқ қилади. Тўй маросимдагилардан фарқли ўлароқ марсия ва бошқа йиғи йўқловлар учун бадиҳа тарзидаги ривож ва метр-ритмик эркинлик характерлидир. Улар уч хил бўлади: а) муайян метр-ритмик тартибга солинмаган мелодик тузилманинг бадиҳа йўли билан ривожланувидан иборат марсия ва йиғилар. Барча бадиҳагўйликларда бўлганидек, бу ерда маълум хасратли оҳанглардан фойдаланилиши, речитациянинг характери усуллари, ижрочининг ўз кайфияти ва имконияти белгиловчи омил бўлади; б) гарчи маълум бир метр-ритмик эркинликка йўл қўйилсада, оҳанги деярли ўзгартирилмай қайтариладиган куплет тузумли куйга эга йиғи-йўқловлар. Буларда бадиҳагўйлик фақат поэтик текстдагина сақланиб, куйлар эса асосий мелодик тузилмаларнинг интонацион ва ритмик ўзгаришларига асосланади: Келтирилган йиғида тугал куй тузилмаларнинг кенгайиши ёки торайишини ҳамда бу жараёниинг поэтнк текст структураси ҳар бир шеърий мисра ёки байтдаги бўғиннинг ўзгаришига боғлиқ эканини сезиш қийин эмас; в) метр-ритмик жиҳатдан нисбатан тартибга тушганлиги ва ўзига хос ижро уолуби билан характерланувчи марсиялар. Улардаги яккахонликка унисон хор (эркаклар ёки аёллар грухи) жўр бўлади. «Садр» ёки «Жаҳрхонлик» деб аталувчи бу марсиялар маросим билан боғлиқ бўлиб, одатда, марҳумнинг жасадини олиб чиқиши олдидан ижро этилади. Ўзбек мусиқа фольклорида меҳнат қўшиқлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Гарчи уларда меҳнат жараёнининг характери ўз аксини топсада, лирик ўйчанликнинг насрий баёни катта аҳамият касб этади. Буларга мисол сифатида «Майда», «Ёзи», «Ёрғичоқ» кабиларни кўрсатиш мумкин. Мана, масалан, ғалла янчиш пайтида далада ижро этиладиган «Майда».

МУҲОКАМА

Мазкур мисолда кузатилаётганидек, иш ҳайвонини сифатловчи мисралар билан бир қаторда лирик мазмунли тўртликлар, одатда, сигирлар, эчкилар ҳамда қўйларни соғаётганда айтиладиган «Хўш-хўш», «Чурай-чурай», «Турай-турай» деб номланувчи афсунли эркалаш қўшиқлари учун ҳам характерлидир. Афсунли қўшиқлар маълум бир маросимларни бажо келтириш, масалан, ёмғир чақириш, қуёш ва ой тутилишини тўхтатишни илтижо қилиш ҳамда бошқаларда ҳам муҳим ўрин тутади. Биринчи грух қўшиқларига қарама-қарши ўлароқ, иккинчи группа қўшиқларининг ҳар бир жанрида ўз мавзуининг ғоят рангбаранглигини кўрамиз. Кўп қиррали муҳаббат лирикаси, сатира ва юмор, тарихий мавзу, ижтимоий норозилик ушбу группага тегишли ҳар бир жанр—терма (ёки чўблама), қўшиқ, лапар, ялла ва ашулалар асосини (гарчи улар бир-биридан равшан ифодаланган характерли мусиқали хусусиятлари билан фарқланса ҳам) ташкил қилиши мумкин. Терма ўз куйининг маълум даражада речитативлиги, тор диапазони ва ихчам шакли билан характерланади: Термалар тексти мазмунан турли хил бўлиб, кўпинча бармоқ вазнидаги етти-саккиз бўғинли мисралардан иборат бўлади. Бахшилар томонидан ижро этиладиган ривожланган шаклдаги термаларда эса деярли кўп бўғинли мисраларни кўрамиз. Қўшиқ—(жанр сифатида) нисбатан кичик диапазонли куйдан иборат бўлиб, бармоқ вазнидаги поэтик текстнинг тўртликдан иборат бир бандини (ёки бир-кки мисрасини) қамраб олади. Айни вақтда ҳар бир шеърий мисрага тугал мелодик тузилма мослаштирилган бўлади. Қўшиқ жуда кенг тарқалган жанрлардан бўлиб, ўз мазмунининг хилма-хиллиги, кўп қирралилиги билан алоҳида ажралиб туради. Қўшиқ куйлари учун ритмнинг равонлиги ва аниқлиги характерлидир: Қўшиқда ҳар бир мисрадан сўнг нақорат сўз ва шунингдек ҳар бир навбатдаги банддан (ёки унинг ярмидан) кейин келадиган нақоратларни ҳам жуда кўп учратиш мумкин. Қўшиқ мусиқали поэтик асосларининг кўпгина белгилари лапар учун ҳам (гарчи у одатда нақоратсиз бўлсада) характерлидир. Лапар рақсбоп куйга эга бўлиб, кўпинча ўйин рақс билан ижро этилади. Лапарни, одатда, икки қўшиқчи диалог шаклида ижро этади. Унинг текстлари асосан ишқий-лирик ёки дидактик, юмористик ёки ҳазил шеърлардан ташкил топади. Бу мисолда йигит ва қиз ўртасидаги диалог бир хил куйнинг такрорланишида ижро этилади. Диалог тексти ҳар хил куйга асосланиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Хоразмда рақс жўрлигида якка ижрочи айтадиган қўшиқлар ҳам лапар дейилади. Гарчи мазмунан бир хил бўлсада, лапарнинг ҳар икки тури қўшиқдан ўз куйининг рақсбоплиги билан фарқланади. Айрим районларда «лапар» термини ўлан деб юритиладиган диалог шаклидаги тўй-маросим

қўшиқларига нисбатан ҳам қўлланиладики, бу айтишув келин ҳамда куёв томон вакилларининг ҳар бир гуруҳида алоҳида-алоҳида унисон хор сифатида ижро этилиши ёки яккахонлар диалоги тусида бўлиши мумкин. Унисон хор бошқа жанр — яллада алоҳида ўрин эгаллайди. Одатда ялла ҳам рақс жўрлигида ижро этилиб, у икки хил бўлади. Биринчисининг куйи нисбатан тор диапазонли бўлиб, шеърдаги ҳар бир банд ва унинг ўйинлари яккахон яллачи, нақорат эса унисон хор (бир гуруҳ созанда ёки ашулачилар, кўпинча тингловчилардан иборат грух) томонидан айтилади. Бундай яллаларда ҳар бир банд нақорат билан бошланиб нақорат билан тугалланади: Бу каби намуналардан фарқ қилган ҳолда, ялланинг иккинчи хили учун, аксинча, нисбатан кенг диапазорли ривожланган куй характерлидир. Унда унисон хорнинг яккахон ижроси билан алмашиниб туришини кўрамиз. Рақсни эса энди қўшиқчи-яллачининг ўзи эмас, балки алоҳида раккоса (ёки раққос) ижро этади.Ўз куйининг ривожланиш услуби ва характери жиҳатдан бу ялла тури ашула жанрига мос келади. Ашула ўз куйининг чўзиқ ҳамда ривожланганлиги, диапазонининг кенглиги, ритмининг сезиларли даражада синкопалилиги билан характерланади.

ХУЛОСА

Ашула асосини на фақат бармоқ вазнидаги, балки профессионал поэзияга хос аруз вазнидаги шеърлар ҳам ташкил этади. Одатда ашула куйи шеърий текстни тўла (баъзан шеърнинг бир неча банди ва кам ҳолларда эса бир бандини) қамраб олади. Фалсафий маъноли фикрга эга бўлган, шунингдек, соғинч, алам ва ҳасратни ифодаловчи ишқий лирик мазмун кўпроқ ашула тематикаси учун хосдир: Ашуланинг ривожланган намуналари эса оғзаки анъанадаги профессионал мусиқага киради. Бунга ашула жанрининг яна бир бошқа тури— катта ашула ёки панис (патнусаки) ашула ҳам тегишли. Катта ашула ўз куйининг декламацион характердалиги, диапазонининг кенглиги (уч октавага яқин), асосий мелодик тузилманинг бадиҳа тарзида (импровизация йўли билан) унда ривожлантирилиши ҳамда ўз ритм-ўлчовининг муттасил (маълум меъёрдаги тартибда) бўлмаганлиги билан характерланади: Ўзбек халқининг мусиқа меросидаги мазкур жанр деярли Фарғона водийси учун характерли бўлиб, профессионал санъаткорлар икки ёки ундан ортиқ ҳамнафас ашулачи-ҳофизлар томонидан доира ёки бошқа чолғу асбоблари жўрлигисиз маълум анъанавий тартибда ижро этилади. Ўзбек қўшиқчилига жанрларининг барчаси ўз характерли интонацион-мелодик тузилмалари,лад тонал ҳамда метр-ритмик асосларини сақлаб қолган чолғу вариантларига ҳам эга бўлиши мумкин. Чолғу вариантларда ҳар бир созга хос ижрочилик имкониятлар ҳамда характерли

хусусиятлардан ташқари куй тузилишида соз хусусияти билан боғлиқ бўлган талқин ҳамда расм бўлган ижро шакли (ансамбль ёки якканавоз) ўз аксини топади. Айрим қисқа диапазонли куйлар эса кўпинча чолғу пьесаларга хос шаклга эга бўлади. Бундан ташқари соф чолғу куйлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз бой тасвирий имкониятлари билан ажралиб турадилар ҳамда турли жанрларга бўлинадилар. Ўз навбатида чолғу мусиқасига мансуб жанрлар ҳам икки турда— маълум шароит (тантанавор шодиёналар, томоша-ўйинлар, ҳарбий маросимлар) билан боғланган ҳамда барча жойда ижро этиладиган турларга бўлинади. Улар ансамбль ёки якканавоз ижросида эшитиш учун мўлжалланган рангбаранг жанрларни ташкил этадилар.

REFERENCES

1. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз// озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз 8-жилд. - ”. Тошкент, Ўзбекистон , 2000 йил, 25 –бет.
2. Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда миллий маданиятимизни ўрни ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши.//”Халқ сўзи” газетаси. Т – 2017 йил 26 декабрь 1-2 бетлар.
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3431 сонли фармони.2004 йил21 май “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ” тўғрисида .
4.2004 йил 9 июль Вазирлар Маҳкамасининг 321- сонли қарори “ 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий ” дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида . 5.Халқ Таълими Вазирлигининг 2009 йил 22 декабрдаги 354 – сонли буйруғи -“Педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш институт марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида .
6. Ал Фаробий “ О Классификатсия наук ” в книги музикалъная эстетика стран Востока М: Музика 1967 – 261 ст.
7. В.Сухомлинский “ Тарбия хақида ” Т : Ёш гвардия , 1977 -115-117 бетлар.
8. Караматова Б.М . Шарқ халқлари мусиқа фани тарихидан лавхалар (Умумий ўрта таълим мактаблари махсус мусиқа мактаблар хамда мусиқа педагогика факультетлари талабалари учун тавсиянома) Т.2000 йил 11-12 бетлар.
9. (Шарқ мутаффакирлари Фаробий (Ҳаёти ва илмий мероси) Тошкент 199.31 - бет)
10. А . Фитрат “ Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи ” Тошкент. 1993 йил. 53 бет.